

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИҚЛАШ АН ВА АМАЛГА КИРЎТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳуқуқидоғ Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишида бўлиб ўтказиладиган бағъишмалар фаолиятига Мухофиқликтагувчи мунтазимини 2020 йил 14 августдан 3 - соғини йўналишида мунтазимини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдан 418 - сонлик буйруғи билан тасдиқлаган.

5112200 – Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
- Республика таълим маркази

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил “14” августдаги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “14” августдаги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаби 100000 – Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> таълим йўналиши малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	4
1.2.1. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари.....	5
2. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
2.3. Касбий квалификациялар	8
3. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.1. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.2. <i>5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	9
Библиографик маълумотлар.....	10

1. 5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсфи

5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Кредит-модуль тизимининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси), “Инглиз тили ўқитувчиси” квалификацияси берилди ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилди Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5112200-Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (инглиз тили)– педагогика соҳасидаги йўналиш бўлиб, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари тизимининг ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, давлат бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат муассасаларида комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5112200-Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- мактабгача ва умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчилар, ўқув-тарбия жараёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари, чет тил ўқитиш методикаси, асосий ўрганилаётган тилнинг назарий ва амалий асослари, луғат бойлиги, мазкур тилларда илмий ва бадиий адабиётларни ўқиш, оғзаки нутқ малакасини орттириш; асосий тил сифатида ўрганилаётган халқ адабиёти, унинг тарихи ва ҳозирги ҳолати, назарий масалалари; адабий алоқалар, матн таржимаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти тамойиллари кабилардан иборат. Чет тили таълими жараёнлари; таълим тизими ўқув-тарбия жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари; чет тилини ўқитиш методикаси; роман-герман тилшунослиги ва адабиётшунослиги; тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари; адабиёт назарияси, адабиётшунослик тарихи, халқ оғзаки ижоди, ифодали ўқиш, нутқ маданияти ва услубияти; мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; маънавий-маърифий тарғибот ишлари соҳаси; муҳаррирлик ва мусахҳиҳлик; чет тили ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

- *ташкilot ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиши, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириши, бошқарув самарадорлигини ошириши, меҳнатни рағбатлантириши жараёнлари.*

1.2.3. 5112200-Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

- мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик;
- маънавий-маърифий;
- ўқув-методик;
- илмий-тадқиқот;
- таржимонлик;
- маъмурий бошқарув.

1.2.4. 5112200-Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

5112200-Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим (бошланғич таълим) тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик фаолиятда:

– мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимнинг (бошланғич таълим) мос таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш;

– мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимнинг таълим (бошланғич таълим) тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва илмий-ижодий тадқиқот ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

Маънавий-маърифий фаолиятда:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, тарбияланувчилар ва ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- тарбияланувчилар ва ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича яқка тартибда суҳбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

Ўқув-методик фаолиятида:

- мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим (бошланғич таълим) тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасалари ва унинг тармоқ бошқармаларида методист бўлиб ишлаш олиш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- тил, адабиёт ва таълим технологиялари соҳасида илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи, намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий-техникавий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаalarda қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;
- илмий-техникавий ва соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик соҳага мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш;
- тилшунослик ва адабиётшуносликка оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;
- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашади;
- маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;
- гуманитар йўналишлар бўйича илмий текшириш муассасаларида кичик илмий ходим вазифасида ишлаш;
- матнларни нашрга тайёрлаш ва таҳрир қилиш, тақризлар ёзиш.

Таржимонлик фаолиятида:

– маориф, маданият, туризм соҳаларида; турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, кўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт вазифасида ишлаш олиш;

– давлат бошқарув тизимида фаолият юрита олиш;

– техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш;

– ўрганган тилларидан она тилига таржима қилиш;

– меҳмонхоналарда ва сайёҳлик фирмаларида менежерлик ва маъмурий ходим сифатида ишлаш;

– чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (қисқа курслар);

– давлат ва давлатга қаршли бўлмаган хусусий ташкилотларда чет тиллардан таржимонлик қилиш;

– турли ҳажм ва мазмундаги иш қоғозлари билан ишлаш;

– бадиий, илмий асарларни чет тилидан она тилига таржима қилиш каби касбий фаолият турларини амалга ошириш.

Маъмурий бошқарув фаолиятида:

– тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;

– АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

– ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

– маориф, маданият, туризм соҳаларида; турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, кўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт вазифасида ишлаш;

– давлат тизимининг барча бошқарув бўғинларида ишлаш;

– турли ўқув муассасалари, ташкилотларга раҳбарлик қилиш, таълим ва соҳа билан боғлиқ бошқа ишларни режалаштириш, уларни йўлга қўя билиш;

– янги технологиялар, таълимнинг замонавий усуллари асосида ўқитишни ташкил қилиш ва уларни бошқариш;

– таълим ва ўқитиш сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга татбиқ қила олиш;

– ўқув жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий ишларни режалаштириш;

– давлат бошқаруви тизимида ташкилот ва органларга раҳбарлик қилиш, жамоа бошқарувини йўлга қўйиш, меҳнат жамоалари ишини ташкил этиш.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5112200-Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)

бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган педагогика соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

2. 5112200-Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)

таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига

қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2 . Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.3. Касбий квалификациялар:

Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида хорижий тил ва адабиёти ўқитувчиси, хорижий тиллар бўйича методист, эрта ёшда болаларга чет тилини ўқитишнинг инновацион методикаларини ўзлаштириш ва амалда қўллай олиш, мактабгача ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларида тўғарак раҳбарлигини олиб бориш, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим (бошланғич таълим) тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасалари ва унинг тармоқ бошқармаларида методист сифатида фаолият юритиш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич таълим ўқувчиларининг чет тилида ўқиш, ёзиш, санаш, ўқув фаолиятининг асосий малака ва кўникмалари, ижодий фикрлаш хислатлари, ўзини ўзи назорат қилиш, нутқ ва хулқ-атвор маданияти, шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи асосларини эгаллашларига кўмаклашиш, маориф, маданият, туризм соҳаларида, турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, кўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт, техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш, чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (қиска курслар), давлат ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда чет тиллардан таржимонлик қилиш каби квалификацияларга эга бўлиш.

3. 5112200-Мақтабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5112200-Мақтабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътилар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5112200-Мақтабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун	Кечки таълим шакли учун	Сиртқи таълим шакли учун
Назарий ва амалий таълим	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	-	-
Аттестация	6-12%	6-12%	6-12%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	4-10%	4-10%	4-10%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

Библиографик маълумотлар

УДК: 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, кредит-модуль тизими, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, кредит-модуль тизими, ўқиб-ўрганиш натижалари, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилиш, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот жараёни.

**5112200 – Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)
бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**













Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1500
1.01	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.02	Фалсафа	180
1.03	Ўзбек (рус) тили	180
1.04	Хорижий тил (иккинчи чет тили)	540
1.05	Жисмоний тарбия ва спорт	120
1.06	Талимда ахборот технологиялари	120
1.07	Илмий иш асослари	60
1.08	Ёш физиологияси ва гигиена	60
1.09	Ўлкашунослик	120
2.00	Умумқасбий фанлар	3210
2.01	Умумий психология	150
2.02	Умумий педагогика	150
2.03	Мактабгача ва бошлангич таълимда инглиз тилини ўқитиш методикаси	270
2.04	Болаларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш методикаси	120
2.05	Асосий ўрганилаётган чет тили	2370
2.06	<i>Танлов фанлари</i>	150
3.00	Ихтисослик фанлари	1950
3.01	Болалар психологияси	270
3.02	Болалар педагогикаси	240
3.03	Ўрганилаётган тил назарий аспекти	270
3.04	Маданиятлараро мулоқот	60
3.05	Болалар адабиёти	270
3.06	Тилшунослик	60
3.07	Адабиётшунослик	60
3.08	<i>Танлов фанлари</i>	720
4.00	Қўшимча фанлар	240
	Жами	6900
	Малакавий ва педагогик амалиётлар	300
	Яқуний давлат аттестацияси	
	Аттестация	
	Жами	300
	ҲАММАСИ	7200

Ўқув ишлар бўйича проректор



Б.Қулматов

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
5112200 – Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича),
5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) , 5120100 – Филология ва тилларни
ўқитиш (роман–герман филологияси), 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар
бўйича), 5121200 – Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти
(тиллар бўйича) бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 5A120102–Лингвистика
(роман-герман тиллари), 5A120101– Адабиётшунослик (инглиз адабиёти), 5A120201 –
Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича), 5A120202 –
Синхрон таржима (тиллар бўйича), 5A121201–Маданиятлараро коммуникацияларнинг
лингвистик таъминоти (тиллар бўйича) магистратура мутахассисликлари
бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчи
ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
Раис:			
1.	Б.Кулматов	Ўқув ишлари бўйича проректор, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент	
Аъзолари:			
2.	У.Яриев	Ўқув-услугий бошқарма бошлиғи	
3.	Н.Джусупов	Магистратура бўлими бошлиғи, DSc, доцент	
4.	А.Юлдашев	Инглиз тили 1-факультети декани, PhD, доцент	
5.	Т.Мадрахимов	Инглиз тили 2-факультети декани, ф.ф.н, доцент	
6.	С.Зияева	Филология факультети декани, DSc, доцент	
7.	О.Халиллаев	Роман-герман филологияси факультети декани	
8.	П.Оманов	Таржимонлик факультети декани	
9.	М.Галиева	Лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси мудири, DSc, доцент	
10.	Я.Абдураимова	Инглиз тили интеграллашган курси №2 кафедраси мудири	
11.	З.Давронова	Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	
12.	Н.Эшонкулова	Ўқув-услугий бошқарма бошлиғи ўринбосари	

Ўқув ишлари бўйича проректор



Б.Кулматов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

Бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	
1.	<p align="center">5112200</p> <p align="center">Мақтабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (миллар бўйича)</p>	<ul style="list-style-type: none"> - мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида хорижий тил ва адабиётига оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериши; - болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш, бола шахси асосларини шакллантириш, уларнинг билимга қизиқишларини ривожлантириши; - боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаши; - миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириши, болаларни мактабда ўқишга тайёрлаши; - тарбияланувчи ва ўқувчиларда миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантириши; - таълимнинг узлуксизлигини ва изчиллигини, мактабгача таълим, бошланғич мактаб таълим муассасалари ўқув дастурларининг умумий ўрта таълим мактаби (1-9-синфлар) таълим муассасалари ўқув дастурлари билан узвий боғлиқлигини таъминлаши; - таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий ва инновацион педагогик услубларини ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали таълим сифатини ошириши; - эрта ёшда болаларга чет тилини ўқитишнинг инновацион методикаларини ўзлаштириши ва амалда қўллай олиши; - мактабгача ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиши; - замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноънанавий ўқув машғулотларини ўтказиши; - ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув методик хужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириши; - ўқитиладиган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиши; - мустақил таълим ва илмий-ижодий тадқиқот ишлари натижасида ўқитиладиган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориши; - мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларида тўғарақ

- раҳбарлигини олиб бориш;
- таълим тизимининг тегишли босқичларида кабинет мудир ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаши;
- мактабгача таълим ва умумий ўрға таълим (бошланғич таълим) тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасалари ва унинг тармоқ бошқармаларида методист сифатида фойлият юритиши;
- тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг индивидуал ижобий хусусиятларини аниқлаши, қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириши, уларнинг юксак даражада таълим-тарбия олишлари, ижодий имкониятларини шакллантириши ва ривожлантириши учун зарур билимларни бериши;
- мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич таълим ўқувчиларининг чет тилида ўқиш, ёзиш, санаш, ўқув фаолиятининг асосий малака ва кўникмалари, ижодий фикрлаш хислатлари, ўзини ўзи назорат қилиш, нутқ ва хулқ-атвор маданияти, шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи асосларини эгаллашларига кўмаклашиши;
- меҳнат қилиш ва мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши, тарбияланувчи ва ўқувчиларни касбга йўналтириши;
- педагог ахлоқ-одобига риоя қилиш, боланинг қадр-қимматини хурмат қилиш, болаларни тазйикдан химоя қилиш, уларни меҳнатга, ота-онага хурмат, агроф муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;
- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаши;
- тарбияланувчи ва ўқувчиларда мафкуравий ҳамда ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича якка тартибда суҳбат ўтказиш;
- миллий урф-одаг ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-муруват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятига эга бўлиши лозим.
- тил, адабиёт ва таълим технологиялари соҳасида илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи, намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий-техникавий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиши;
- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаalarda қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиши;
- илмий-техникавий ва соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаши;

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик соҳага мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш қобилиятига эга бўлиши керак.
- тилшунослик ва адабиётшуносликка оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашади;
- маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;
- гуманитар йўналишлар бўйича илмий текшириш муассасаларида кичик илмий ходим вазифасида ишлаш;
- матнларни нашрга тайёрлаш ва таҳрир қилиш, тақризлар ёзиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.
- маориф, маданият, туризм соҳаларида; турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, кўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт вазифасида ишлай олиши;
- давлат бошқарув тизимида фаолият юрита олиши;
- техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириши;
- ўрганган тилларидан она тилига таржима қилиши;
- чет тилларни интенсив шаклда ўргатиши (қисқа курслар);
- давлат ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда чет тиллардан таржимонлик қилиши.

Республика таълим маркази директори

Ш.Сагторов



5112200 - Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича малака талабларининг ишлаб чиқилишига ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5112200 - Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда куйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 12-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида” ги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган малака талаблари, шунингдек, халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси ва ютуқлари, иқтисодиёт устуворлиги шароитларида кадрларга нисбатан ишлаб чиқаришда, амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган.

Олдинги бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми билан қиёслаганда янги малака талаби бўйича бакалавриятда “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар” блокадаги фанлар икки бараварга қисқартирилди ва умумий юклама ҳажми 22% ни ташкил этади. “Умумқасбий фанлар” блокнинг ҳажми 46% дан 47% га, “Ихтисослик фанлари” блокнинг ҳажми 22% дан 28% гача оширилди. Кредит таълим тизимига кириш ҳафталари киритилди, кредитларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсмоти ҳамда фанларнинг малакавий коди белгилаб берилди.

5112200 - Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича) таълим йўналишининг малака талабига тажрибада синовдан ўтган таълим, ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди. Хусусан, малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълимдаги меъёрий ҳужжатларни халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштиришга эътибор қаратилди.

Ўқув ишлари бўйича проректор

Б.Кулматов



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ижтимоий ва гуманитар фанлар ўқув-услубий бирлашмаси йиғилиши
БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент ш.

“30” 07 2020 йил

Қатнашдилар: Бирлашма раиси – Г.Ш.Рихсиева

Аъзолари: Ўқув-услубий бирлашма котиби: С.М.Умарова

ўқув-услубий бирлашма аъзолари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ:

1. ЎзДЖТУ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари муҳокамаси:
5112200 – Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)
5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)
5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)
5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)
5121200 – Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти (тиллар бўйича)
5A120102 – Лингвистика (роман-герман тиллари)
5A120101 – Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)
5A120201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича)
5A120202 – Синхрон таржима (тиллар бўйича)
5A121201 – Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти (тиллар бўйича)

2. Турли масалалар.

ЭШИТИЛДИ: Ўқув-услубий бирлашма раиси Г.Ш.Рихсиева

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Қарорлари, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида” ги 357-сонли буйруғида белгилаб берилган вазифалар, олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилари томонидан 5 та бакалаврият таълим йўналиши ва 5 та магистратура мутахассислиги учун ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Б.Кулматов – ЎзДЖТУ ўқув ишлари бўйича проректори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент. Тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини кредит-модуль тизими асосида ишлаб чиқиш мақсадида университетимизда ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ЎзДЖТУ таянч этиб белгиланган 5 та бакалаврият таълим йўналиши ва 5 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ишлаб чиқилди. Малака талабларини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган малака талаблари, шунингдек, халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси ва ютуқлари, иқтисодиёт устуворлиги шароитларида кадрларга нисбатан ишлаб чиқаришда, амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинди. Кадрлар истеъмолчилари ва турдош олий таълим муассасалари билан келишилди. Ўқув режаларга кредит таълим тизимига кириш ҳафталари киритилди, кредитларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсимооти ҳамда фанларнинг малакавий

коди белгилаб берилди. Сизлардан тайёрланган малака талабларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

1. **А.Юлдашев** – Университет профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган малака талаблари белгиланган талабларни ўзида тўлалигича акс эттирган ва меъёрий талабларга жавоб беради. Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни бажаришга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган малака талабларини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

2. **Ишчи гуруҳ аъзолари: У.Яриев, Н.Джусупов, Т.Мадрахимов, З.Давроновалар** ҳам сўзга чиқиб, ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган малака талаблари борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ишлаб чиқилган малака талаблари замонавий талаблар асосида тайёрланганлиги, уларда мутахассисликларнинг тегишли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар инobatга олинганлигини таъкидлашди ҳамда ишлаб чиқилган малака талабларини тасдиқлаш учун тавсия этишди.

Йиғилиш аъзоларининг билдирган фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олиб “Ижтимоий ва гуманитар фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ЎзДЖТУ да ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокчини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Қарорлари, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида” ги 357-сонли буйруғида белгилаб берилган вазифалар, олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги, таянч ва турдош ОТМлар ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, тегишли илмий-тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилганлиги инobatга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган малака талаблари лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилиб, улар томонидан таркиби ва мазмуни, маъруза, амалий ва семинар машғулотларига ажратилган юктамалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлигида узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига риоя қилиш бўйича берилган таклиф ва талаблари инobatга олинганлиги таъкидлансин. Ишлаб чиқилган малака талаблари ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

“Ижтимоий ва гуманитар фанлар”
ўқув-услубий бирлашмаси раиси

Бирлашма котиби



Г.Ш.Рихсиева

С.М.Умарова

2.06	Инглиз тили амалий курси	2274		1248	2370		79	1020	-28	
2.07	Танлов фанлари	132		74	150		5	60	-14	
3.00	Ихтисослик фанлари	1420	22	794	1950	28	65	900	+106	
3.01	Болалар психологияси	244		136	270		9	120	-16	
3.02	Болалар педагогикаси	244		136	240		8	120	-16	
3.03	Инглиз тили назарий аспектлари	266		148	270		9	120	-28	
3.04	Маданиятлараро мулоқот	72		40	60		2	30	-10	
3.05	Болалар адабиёти	244		136	270		9	120	-16	
3.06	Тилшунослик	60		34	60		2	30	-4	
3.07	Адабиётшунослик	60		34	60		2	30	-4	
4.00	Танлов фанлари	230		130	720		20	330	+200	
	Қўшимча фанлар	340		190	240	3	8	120	-70	
	Жами	6588	5	3660	6900		230	3120	-540	
	Малакавий амалиёт	1188			300					
	Битирув малакавий иши	324								
	Аттестациялар	972								
	Жами	2484			300					
	ҲАММАСИ	9072			7200		240			

Изоҳ: 2020 йил ўқув режасида “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар” 1-блоки 9 та фандан иборат, юклама ҳажми 22% ни ташкил этади.

“Умумқасбий фанлар” 2-блок бўлиб, 7 та фандан иборат, ўқув юклама ҳажми 22% ни ташкил этади.

“Ихтисослик фанлар” 3-блок 6 та фандан иборат бўлиб, ўқув юклама ҳажми 22% ни ташкил этади.

Ўқув ишлари бўйича проректор



Б.Қулматов

